

АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЯТИ ВА СОҒЛОМ БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Шоҳистахон Ўлжаева

ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11221722>

Аннотация. Ушбу мақолада Амир Темури даврида соғлом бола тарбияси тарбияси ҳақида тўхталиб ўтилган. Амир Темури ёши авлод тарбиясига катта эътибор қаратган, уларнинг маънавий ва жисмоний етук инсонлар бўлиб етишиши учун ҳаракат қилган. Амир Темури оиласида ҳам янги тузилган темурий чақалоқлар энага тарбиясига берилган. Энага насли тоза оиладан бўлиб унинг янги тузилган чақалоғи бўлиши керак бўлган. Темурий шаҳзодалар янги оиллага тарбия учун берилар экан энаганинг эри оталиқ, чақалоқнинг эмикдоши эса кўкалдош деб аталган. Темурий маликалар ҳам ёши авлод тарбиясида фаол иштирок этганлар. Мақолада бу ва бошқа жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: Амир Темури, соғлом бола, ёшлар тарбияси, ахлоқ.

Аннотация. В данной статье речь идет о воспитании здорового ребенка во времена Амира Темура. Амир Темури уделял большое внимание воспитанию молодого поколения, работал над тем, чтобы они стали духовно и физически зрелыми людьми. В семье Амира Темура новорожденных малышей также отдают няням. Няня была из чистой семьи и должна была быть ее новорожденным ребенком. Когда тимуридских принцев отдавали на воспитание в новую семью, мужа няни называли аталик, а младенца - кукалдошем. Тимуридские принцессы также принимали активное участие в воспитании молодого поколения. Об этом и других аспектах речь пойдет в статье.

Ключевые слова: Амир Темури, здоровый ребенок, воспитание молодежи, нравственность.

Abstract. This article focuses on the upbringing of a healthy child during the time of Amir Temur. Amir Temur paid great attention to the education of the young generation, worked to make them become spiritually and physically mature people. In Amir Temur's family, newborn Temur babies are also given to nannies. The nanny was from a clean family and was supposed to be her newborn baby. When Timurid princes were given to a new family for upbringing, the nanny's husband was called otaliq, and the baby's brother-in-law was called kukaldosh. The Timurid princesses also took an active part in the education of the young generation. This and other aspects are discussed in the article.

Key words: Amir Temur, healthy child, youth education, morality.

Маълумки, ота-боболаримиз соғлом фарзанд тарбиялашда жуда катта тажриба мактабини яратганлар. Зеро соғлом бола жисмоний ва маънавий баркамол инсондангина туғилиши ва келажакда жамиятга ва оиласига фойда келтиришини ота-боболаримиз теран англаб етишган.

Амир Темури ўзи ҳар томонлама етук ва баркамол бўлгани учун, келажак авлод давлат ва жамият ҳаётида жуда катта ўрин тутишини ўз ақл кўзи билан аввалдан кўра олган ҳазрати инсон эди.

У аввало фарзандларни дунёга келтирадиган ота-оналарнинг маънавий ва жисман соғломлигини талаб этган. У ичкилик, чекиш каби зарарли иллатларга қарши курашган, ёшларнинг енгил-елпи ҳаётга ўрганишига, қийинчилик ва меҳнату машаққатларсиз ҳаёт

кечиришига, айш-ишратларга берилишига ҳамда беникоҳ фарзанд туғилишига қарши бўлган.

Келин танлашни давлат сиёсати билан тенг кўрган.

Салтанатда сарой шаҳзодалари тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Маълумки, қадимдан давлат бошлиқлари янги туғилган фарзандларини бирор энагага бериб эмиздирганлар[1].

Энага бўлмиш тоза наслик, янги фарзанд кўрган бўлиши керак бўлган. Аткалар эса ана шу энаганинг эри ҳисобланган ва у шаҳзодага отадай ҳисобланган. Ҳар қандай киши энага ёки оталиқ (атка) бўлавермаган, балки тоза наслик, ҳар томонлама соғлом, зийрак, ақлли, доно кишилар бу ишга лойиқ деб топилган. Темурийларнинг чақалоқ фарзандларига эмиқдош бўлган болалар кўкалдош дейилган[2].

Шунингдек, Бибихоним каби обрўли темурий маликалар ҳам ёш болаларни сарой қоидалари, ўзини тутиш, овқатланиш маданияти, катталарга эътибор, саволларга жавоб бериш каби ахлоқшунослик илмига тайёрлаб борганлар.

Соҳибқирон ўз ўғли Шохруҳ Мирзони, суюкли иабиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларини бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди .

Тарихдан бир мисол: 1394 йил 14 августда Шохруҳ Мирзо ўғил кўрди. Унга Иброҳим Султон деб исм қўядилар[3]. Шаҳзодага Туман оғо (Амир Темурнинг доно завжаси-Ш.Ў.) мураббия этиб тайинланади. «Ва амир Усмон Аббосни *отабек*(оталиқ-Ш.Ў.) қилдилар ва хотуни Сотқин оғоким, Соҳибқиронга уруғ бўлур эрди, энагалиққа муқаррар бўлди[4]”.

Ўша даврда аслзодалар ҳам ўз фарзандларини махсус энагалар қўлида вояга етказишга ҳаракат қилганлар.Бизнинг назаримизда бунинг бир қанча сабаблари бор: Биринчидан, уларни ортиқча эркалатиш, ҳаддан ташқари кўп меҳр кўрсатиш, эркатой фарзандларни ўстирмаслик бунинг асосий сабабларидан бўлса, иккинчидан, аслзодалар ўзлари кўпроқ вақтини сиёсий фаолиятга бағишлаганликлари, кўпинча уларнинг юришларда ва бошқа сафарларда бўлиши боланинг назоратдан четда қолишига сабаб бўлади, деган фикрга таянган бўлишлари мумкин. Болани ҳар тарафлама чиниқтиришда оталиқ ва оналик меҳридан бироз узилган бола ортиқча қаршилиқларсиз, устозларининг тарбиясини олиб борган. Темурийларнинг ичидан етишиб чиққан ўнлаб шоҳу саркарда шоир ва олимларнинг ўзи салтанатда соғлом бола тарбиясига катта эътибор берилганини кўрсатади.

Аслзодаларнинг фарзандлари 4-5 ёшдан илоҳиёт ва ахлоқшунослик билимларини эгаллаб боришган.

Ўша даврда мадрасаларнинг икки тури мавжуд бўлган. Дастлабки маълумот берувчи мадрасаалар, иккинчиси эса олий маълумот берувчи мадрасалар эди. Бу таълим масканларида илоҳиёт илми билан биргалиқда қонуншунослик (фикҳ), мантиқ, математика (риёзиёт), геометрия (ҳандаса), фалакиёт (илми ҳайъат), тиббиёт, жуғрофия, араб тили ва бошқа фанлар ўргатилган.

Шаҳзодаларга, мадрасаларда ўқишни бошлаган ёш болаларга қиссахонлар турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қисса ва эртакларни айтиб беришган ва уларда яхшиликка интилиш, ёмонликдан нафратланиш туйғулари шакллантирилган.

Тарих фани Амир Темур ҳаётлигидаёқ равнақ топган. Амир Темурнинг ҳаёт ва фаолиятининг ўзи қаҳрамонлик билан йўғрилган эди.

Темурийлар ўша давр илмий муҳитининг асосчилари бўлиб, бемисл миллий тарихимизда юксак маънавий жасорат кўрсатганлар. Темурий шоҳ ва шаҳзодаларнинг шахсан ўзлари халққа ўрнак бўлиб, ёшлар онгида илм-фанга ҳавасни уйғота олган. Улар миллий тарихимиз ғилдирақларига ботиний куч берган эпик қаҳрамонлардир.

Хусусан, Темурий малика Бибихоним номи билан машҳур бўлган Сароймулкхоним Амир Темурдан рухсат олиб Бибихоним мадрасасини ўз маблағи ҳисобидан қурдирган ва бу масканда юзлаб ўз даврининг етук ёш авлодлари шаклланиб, мамлакатнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганлар[5].

Улуғбек Мирзо нафақат буюк астроном олим ва математик, балки ўз даврининг пешқадам араб ва форс тили билимдони, мусикачиси ва тарихнависи эди. Бу эса темурийларнинг фақатгина бир-икки соҳани чуқур ўрганиш билан чегарланмаганлиги, Темурий шоҳ ва шаҳзодалар билан бирга ўша давр илми толибларининг Шарқда пешқадам олимлар бўлиб етишгани, ўз соҳалари билан бирга бошқа соҳаларни ҳам мукамал билганларидан далолатдир.

Улуғбек шахсан ўзи ўша даврда энг нуфузли шарқда катта обрўга эга бўлган тўртта мадраса қурдирган: Бухоро ва Ғиждувонда биттадан, Самарқандда иккита мадраса қурдирган. Бу даврда Самарқандда Хоним, Қутдиббин Садр, Муҳаммад Султон мадрасалари ҳам фаолият юритган[6].

Бу мадрасаларда ёшлар билим олиб, ҳар тарафлама етук мутахассислар бўлиб етишишган. Мирзо Улуғбек Амир Темур ўстирган билим дарахтининг меваси сифатида бобосининг эзгу ишларини давом эттирган. Амир Темур ва унинг ворислари соғлом авлод тарбияси тарихида муҳим бир кўтарилишни бошлаб берган.

Бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозим: тарихида фақат Темурийлар орасидангина бир пайтда ҳам ҳукмдор шахсида саркарда, олим, тарихчи ва шоирлар - хусусан Мирзо Улуғбек, Шоҳруҳ Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо каби кўплаб энциклопедист олимлар-давлат раҳбарлари етишиб чиқди. Темурийларнинг буюк кашфиётлари ҳам салтанатда соғлом бола тарбиясига алоҳида эътибор берилганидан, уларнинг юксак маънавияти ва маънавий жасоратидан далолатдир. Улуғбек Академияси, Ҳирот мактаби, Бойсунғур Академияси ҳам ёш болалаларга берилган билимларнинг, Амир Темурнинг соғлом бола борасида олиб борган сиёсатининг маҳсулидир. Темурий шоҳ ва шаҳзодалар, умуман мадрасалар ўқувчилари ўз даврида грек-рим олимлари, Шарқ ва Ғарбнинг энг сўнгги кашфиётларидан боҳабар бўлишган ва ўз билимларини мустаҳкамлаб боришган, уларни ривожлантириб Шарқда Темурийлар Ренессансининг тамал тошларини қўйишган.

Соҳибқирон, унинг ўғиллари, неваралари, ҳарбий бошлиқлар ва жангчиларнинг ўзи асли баҳодир, мард инсон, эпик қаҳрамонлар эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фанга қизиқишнинг ўсиши маънавий маданиятнинг умумий юксалишига, ишлаб чиқариш ва хунармандчиликнинг ўсишига ёрдам берди. Айни вақтда ирригация, шаҳарсозлик, меъморчиликнинг илдам ривожланиши фандаги турли йўналишларнинг юксалишига туртки берди.

Устолар мактаби ҳам болаларни хунарга ўргатишда муҳим мактаблар ҳисобланган. Болалалар у ерда ҳар қандай заҳмату қийинчиликларни енгиб ўтишган, янги билим ва

малакаларни ўзлаштириб, ўз даврининг уста хунармандлари бўлиб етишган. Устолар хонадони катта педагогика мактаби бўлган, ёшларни меҳнатсеварликка, ҳалоликка, инсон ва меҳнатнинг қадрига етишга ўргатган.

Жисмоний тарбия Амир Темур салтанатида соғлом бола тарбиясининг муҳим асосларидан бири ҳисобланган. Ўша даврда халқ ўйинлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалган ва ёш болалар бу ўйинлар билан бирга спорт билан ҳам мунтазам шуғулланиб боришган. Амир Темурнинг юришларида қатнашган 200 000 лаб кўшиндаги кўплаб ёш зобит ва навкарлар ўз даврининг уста спортчилари бўлишган. Амир Темур даврида спорт ва ҳарбий машқлар бир-бирини тўлдириб борган. Урушлар бош масалала бўлган ўрта асрларда ҳар бир инсоннинг чапдаст, жисмонан чиниққан, душманга ҳар қандай шароитда ҳам қарши тура оладиган билим ва кўникмаларга эга бўлиши ўша даврнинг талаби эди.

REFERENCES

1. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Тошкент, Акадмнашр, 2017. –Б. 103.
2. Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Тошкент, Акадмнашр, 2017. –Б. 103.
3. Шарафуддин Али Ўаздий. Зафарнома / Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков.- Тошкент: Шарқ, 1997. Зафарнома., Тошкент, 1997. –Б.172.
4. Шарафуддин Али Ўаздий. Зафарнома.. –Б.172.
5. Файзиев Т. Темурий маликалар, Тошкент, 1994. –Б. 3-7.
6. Амир Темур жаҳон тарихида. –Тошкент:Шарқ, 2006. –Б. 159.